

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ –  
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
УСТУВОР ШАРТИ**

**2021**

**Шоев И.Х.**

**катта ўқитувчи**

**Қодиров Д.Х.**

**катта ўқитувчи**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
ШАРТИ”**

**МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Фуқаролик жамияти**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:** И.Х.Шоев катта ўқитувчи  
Д.Х.Қодиров катта ўқитувчи.

**Тақризчилар:** Р.Ғ.Жумаев сиёsatшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Э.Х.Зоиров фаласафа фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>17</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>73</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>78</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>88</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

**“Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг устувор шарти”** модули ҳозирги кунда жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллат коррупциянинг демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур этказиб, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилиши, ҳаёт сифатини ёмонлаштириши ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисаларнинг илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб бериши ҳамда бу иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган ишлар каби масалаларни қамраб олади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг устувор шарти”** модулининг мақсади: ҳозирги кунда аҳоли ўртасида коррупцияга қарши курашнинг роли ва аҳамияти, коррупцияга қарши кураш методларини жорий қилиш ва ривожлантириш, қонунларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот бериш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг устувор шарти”** модулининг вазифалари:

- коррупцияга қарши кураш борасидаги қонунларни ўрганиш, ушбу иллатнинг олдини олиш масаласига илмий ёндашиш, таълим-тарбия жараёнида унга қарши курашиш аҳамиятини ўқувчи ва тингловчиларга тушунтириш ҳамда шакллантириш;

- коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш тизимлари бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- коррупцияни қарши курашишнинг хориж тажрибаларини ўрганиш, жорий қилиш ва ҳозирги кунда самарали курашиш усуллари ва қонунларни

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва  
малакалариға қўйиладиган талаблар**

**“Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг устувор шарти”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий хужжатларни билиши керак;
- 2008 йил июл ойида Ўзбекистон Республикасини БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонуни.(2017 йил феврал) ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- коррупция фуқаролик жамияти ривожланишига зид бўлган салбий воқийлик эканлиги ва унга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг иштироқи тўғрисида хабардор бўлиши зарур;
- жаҳонда коррупцияга қарши курашиш қандай амалга оширилиши тўғрисида билимга эга бўлиши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва  
узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги “Ҳаракатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси”, “Фуқаролик жамияти”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умуний тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг устувор шарти” модулининг профилига мос зарурый билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	жумладан	
				Назарий машнурот	Амалий машнурот
1.	Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси.	4	4	2	2
2.	Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар	4	4	2	2
3.	2008 йил июл ойида Ўзбекистон Республикасини БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши.	4	4	2	2
4.	Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар	4	4	2	2
5.	Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.	4	4	2	2
6.	Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизmlари.	4	4	2	
7.	“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари (27.05.2019). Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти.	4	4	2	2
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>26</b>	<b>14</b>	<b>12</b>

## НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-Мавзу: Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси.**

**Режа:**

1. Коррупция тушунчаси ва атамаси.
2. Коррупциянинг тарихий илдизлари ва келиб чиқиши.
3. Коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

### **2-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш борасида ҳалқаро хуқуқий ҳужжатлар.**

**Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашнинг хуқуқий асослари.
2. Коррупцияга қарши қаратилган юқори самарали чора тадбирларни қабул қилиш ва мустаҳкамлаш.
3. Коррупцияга қарши курашда ҳалқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва ўрни.

### **3-Мавзу: 2008 йил июл ойида Ўзбекистон Республикасини БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши.**

**Режа:**

1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция мазмуни ва моҳияти.
2. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясидаги асосий вазифалар.
3. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорқ, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида қонуннинг аҳамияти.

### **4-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар**

**Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
2. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари.

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари.

**5-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.**

**Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар.
2. Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари.

**6-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари.**

**Режа:**

1. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашища иштирок этиши.
2. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.
3. Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни амалга оширишнинг аҳамияти.

**7-Мавзу: “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари (27.05.2019). Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти.**

**Режа:**

1. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.
2. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.
3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси.**

#### **Режа:**

1. Коррупция тушунчаси ва атамаси.
2. Коррупциянинг тарихий илдизлари ва келиб чиқиши.
3. Коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

### **2-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш борасида ҳалқаро ҳуқуқий хужжатлар.**

#### **Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари.
2. Коррупцияга қарши қаратилган юқори самарали чора тадбирларни қабул қилиш ва мустаҳкамлаш.
3. Коррупцияга қарши курашда ҳалқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва ўрни.

### **3-Мавзу: 2008 йил июл ойида Ўзбекистон Республикасини БМТнинг**

#### **Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши.**

#### **Режа:**

1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция мазмуни ва моҳияти.
2. Коррупциянинг турлари ва шакллари.

3. Коррупцияга қарши курашиш борасида назорат тизимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлиги.

**3-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар.**

**Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатлари.
2. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари.
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари.

**4-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.**

**Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар.
2. Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари.

**5-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари.**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари
2. Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли.
3. Transparency International Халқаро нодавлат ташкилотининг «Коррупцияни қабул қилиш индекси»да Ўзбекистон ўринини яхшилаш масалалари.

**6-Мавзу:** “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари (27.05.2019). Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти.

**Режа:**

1. Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш.
2. Ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш.
3. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

## П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ

### ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ

**Ақлий хужум** - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони эчишда талабалар томонидан билди - рилган эркин фикр ва муроҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир эчимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга та -лабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талаба - лар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва но - стандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда муроқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини факат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

**Вазифаси.** “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан кутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хилли - лигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони эчиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гурух янада жипслашади.

**Объекти.** Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб

*Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг устувор шарти*  
тадқиқотчиликда (янги муаммони эчишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шаклланти - ради) асқотади.

**Қўлланиш усули.** “Ақлий хужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича хар қандай муроҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қай - тадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум давомида улар танқид қилин - майди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жихатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони эчиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни тақрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

#### **«Ақлий хужум» методининг афзаллик томонлари:**


1. натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шакл - ланишига олиб келади;
2. талабаларнинг барчаси иштирок этади;
3. фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
4. талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
5. талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

#### **«Ақлий хужум» методининг камчилик томонлари:**

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

### «Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси



### «Ақлий хужум» методининг босқичлари:

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### «Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- a) Билдирилган фикр-ғоялар мухокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- б) Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- в) Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

## Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Замонавий таълим воситаси тушунчаси , таълим воситаси турлари, таълим воситасини қўллаш усуллари

### **Кластер**

Кластер - (ўрам, боглам). Билимларни актуаллашишини рагбатлантиради, мавзу бўйича фикрлаш жараёнига янги бирлашган тассавурларни очик ва эркин кириб боришига ёрдам беради.

«Кластерни тузиш коидалари» билан танишадилар. Катта когознинг марказига калит сўзи ёзилади.

Калит сўзи билан бирлашиши учун унинг ён томонларига кичик айланалар ичига «йўлдошлар» ёзилади ва «Катта» айланага чизикчалар билан бирлаштирилади. Бу «йўлдошлар» нинг «кичик йўлдошлари» бўлиши мумкин ва х.о. Мазкур мавзу билан боғлик бўлган сўзлар ва иборалар ёзилади.

Мулохаза килиш учун кластерлар билан алмашишади.

## Гурухларда иш олиб бориш қоидалари

- ✓ Ўзаро ҳурмат ва илтифот кўрсатган холда ҳар ким ўз дўстларини тинглай олиши керак;
- ✓ Берилган топшириқга нисбатан ҳар ким актив, ўзаро ҳамкорликда ва маъсулиятли ёндашиши керак;
- ✓ Зарур пайтда ғар ким ёрдам сўраши керак;
- ✓ Сўралган пайтда ҳар ким ёрдам кўрсатиши керак;
- ✓ Гурух иш натижалари баҳоланаётганда ҳамма қатнашиши керак;
- ✓ Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
- ✓ Ўзгаларга ёрдам бериб, ўзимиз ўрганамиз!
- ✓ Биз бир қайиқда сузаяпмиз: ё бирга кўзлаган манзилга етамиз, ёки бирга чўкамиз!

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1-Мавзу: Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси.**

##### **Режа:**

1. Коррупция тушунчаси ва атамаси.
2. Коррупциянинг тарихий илдизлари ва келиб чиқиши.
3. Коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатdir. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қиласи, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Илмий адабиётларда унга қўйидагича таъриф берилади: "Коррупция— шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш".

Тўғри, ҳаётда турли ҳолатлар ва ҳаракатларга дуч келамиз. Баъзида қўз ўнгимизда қонунлар бузилади, инсон ҳуқуқи, қадр-қиммати поймол этилади. Бундай вазиятларда чорасизликдан одамнинг боши гангиб қолади. Лекин, унутмайлик, халқимизда "Касални даволагандан кўра унинг олдини олган афзалдир" деган нақл мавжуд. Жамиятимиздаги ҳар қандай жараёнга лоқайд муносабатда бўлмаслик барчамизнинг устувор бурчимиздир.

Коррупциянинг ҳар қандай қўринишларига қарши курашишни биз, энг аввало, ўзимиздан бошлишимиз даркор. Бунинг учун эса шахснинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти етарли даражада шаклланган бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу заарли ҳодиса катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди. Ушбу заарли иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ҳанузгача у бартараф этилмаяпти.

Биз қуйида коррупциянинг тарихий илдизларига ва унга қарши курашиш хусусида фикр юритмоқчимиз.

Коррупция (лот. Corrumperе — бузмоқ) термини одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

Кўп ҳолларда бу атама сиёсий элитадаги бюрократик аппаратга қаратади. Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади.

Коррупцияни бир нечта асосий турларга ажратиш мумкин:

1) субъектларнинг мақомига кўра:

- а) ҳокимият органларидағи коррупция;
- б) хусусий сектордаги коррупция;
- в) сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупция;

2) даражасига кўра:

- а) қуёйи даражадаги коррупция;
- б) юқори даражадаги коррупция;
- в) вертикал коррупция;

3) ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра:

- а) коррупция-қилмиш;
- б) коррупция-жиноят.

Макроиқтисодий ва сиёсий-иқтисодий тадқиқотлар, коррупция — давлатларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига улкан тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила

сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг пораҳўрлиги қаттиқ ташвишга солғанлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг пораҳўрлиги қаттиқ қораланади. Жумаладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қиласи ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Қуърони Каримда “Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар” дейилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб жамият давлат бошқарув аппаратининг иш сифатига тоборо кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импичментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўринининг ошиб бориши XIX-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Ушбу иллатни тадқиқ қилган бир қатор йирик мутахассислар қуйидаги факторларни коррупцияни юзага келтирувчи омиллар сифатида кўрсатади.

Икки хил маънони англатувчи қонунлар — ушбу вазият хуқуқни қўлловчи мансабдор шахс томонидан қонунларни турлича қўллаш имконини яратади. Шунингдек, айрим мутахассислар жиноят, маъмурий қонунчиликдаги “вилка” санкцияларни ҳам коррупцияга қулай шароит

яратиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишган. Яъни, санкциянинг аниқ микдори йўқлиги судьяда уни ўз ҳоҳишига қараб қўллашга шароит яратиб беради.

Аҳоли ҳукуқий саводхонлигининг пастлиги — аҳоли томонидан қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойданишга қулай шароит яратади.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги — мамлакатдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгига ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлик, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коррупцияга қулай шароит яратади.

Ижро ҳокимиятининг бирлиги тамойилинининг бузилиши — айнан битта фаолиятнинг турли инстанциялар томонидан тартибга солиниши:

- аҳолининг давлатни назорат қилишдаги суст иштироки;
- давлат секторидаги хизмат қилаётган хизматчилар даромадларининг хусусий секторда топиш мумкин бўлган даромадлардан камлиги;
- тиқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши;
- инфляциянинг юқори даражаси;
- мамлакат юқори бошқарув органларининг аҳолидан узилиб қолганлиги;
- мамлакатдаги диний ва ахлоқ қоидалари.

Жамиятда коррупция оддий халқ вакилларининг юқори амалдорларга ёхуд давлат амалдорларининг ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатидан келиб чиқади. Ушбу салбий ҳолатнинг ҳар қандай қўриниши жамиятни ҳалокат ёқасига олиб бориши муқаррардир. Коррупциянинг тарихи антик даврларга бориб тақалади. Қадимги Юнонистон давлатида оддий халқ вакиллари оқсоқолларга ва турли даражадаги амалдорларга совға-саломлар беришган. Худди шундай ҳолатлар қадимги Мисрда ҳам кузатилган: бу ерда эркин дехқонлар, хунармандлар ва ҳатто ҳарбий аъёнларга нисбатан ҳам ўзбошимчалик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорлар бюрократик аппарати юзага келганди.

**Коррупцияга қарши кураш тарихи.** Коррупция тарихи инсоният тарихи каби кўхнадир. Қадимги юонон файласуфи Аристотель шундай деган эди: “Ҳар қандай давлат тузумида энг муҳими – бу қонунлар ва тартиб-қоидалар воситасида ишни шундай ташкил этишки, мансабдор шахслар қинғир йўл билан бойлик орттира олмасин”. Пора олиш ва бериш Қадимги Римда амал қилган 12 жадвал қонунларида тилга олинган.

Коррупция ҳақидаги энг қадимги қайдлардан бирига қадимги Бобилнинг миҳнатда ёзилган битикларида дуч келинган. Милоддан аввалги учинчи минг йилликнинг ўрталарига тааллуқли бўлган матнларда айтилишича, шумер подшоси Урукагин ўша замонлардаёқ қонунга хилоф ҳақ олишга ружу қўйган судьялар ва амалдорларнинг қонунбузарликларида чек қўйиш муаммосини ечиш йўлларини излаган.

Археологик тадқиқотлар жараёнида топилган ҳужжатлар милоддан аввалги 597-538 йилларда, яхудийлар Бобил подшоси томонидан асирга олинганидан кейинги даврда, Иерусалимда коррупция айниқса авж олганидан далолат беради. Профессионал давлат амалдорлари ҳали мавжуд бўлмаган антик жамиятлар тарихининг ilk босқичларида (қадимги юонон шаҳар-давлатлари, республика Рими) коррупция деярли бўлмаган.

Ўрта асрларда Ўзбекистон худудида жойлашган давлатларда қабул қилинган одат ҳуқуқи меъёрлари асосан замирида ислом маданияти принциплари ётувчи қонунчилик анъаналари билан белгиланган.

Хусусан, Амир Темур давлатида амалдорлар ишини тартибга солиши мақсадида вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов ўтказиб турилган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий равища ичкилиқ ичиш, майший бузуклик каби қилмишлар оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ, неваралари Пирмуҳаммад ва Ҳалил Султонлар юқорида зикр этилган меъёрларни бузганлик учун халқ олдида жазога тортилганлар.

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ривожига жиддий салбий таъсир қўрсатувчи хавфли омил, барча мамлакатларга таҳдид солувчи

мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳодисадир. Зеро, бу омил туфайли давлатнинг ривожланиши секинлашади, ҳукумат тизими ишдан чиқади, демократик институтларга путур етади. У сайлов жараёнларига салбий таъсир қилиб, қонун устуворлигига жиддий зиён етказади. Шу билан бирга, унинг таъсири остида фуқароларнинг ижтимоийadolатга, ҳақиқатга ва давлат органларига ишончи йўқолади. Ҳар қандай жамият учун ушбу жиноятга қарши курашиш энг долзарб масалалардан биридир. Бизнинг давлатимиз коррупциянинг олдини олиш ва унинг илдизларига барҳам бериш мақсадида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқда. 2003-йил 9-декабрда БМТ нинг Коррупцияга қарши конвенцияси имзолангандиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Республикамизда ушбу жиноятга қарши кураш соҳасида мақсадли сиёsat олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу соҳада қонунчилик асосларини такомиллаштириш, давлат органларининг, жамиятнинг очиқлигини таъминлаш, ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш ва бу соҳада самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари давлатимиз раҳбариятининг диққат марказидадир.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва принципларини белгилашда бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш масаласи қатъий ҳисобга олинган. Коррупцияга аралашган, бу жирканч иллатга қўл урган одам учун улуғ нарсалар, мўтабар туйғуларнинг қадри йўқолади. Бундай одамлар ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олиш ва сотиш мумкин, деб ўйлайди. Улар иймон-эътиқодга ишонмайди, айни пайтда бундай кимсаларга ҳаёт учун азиз саналадиган ҳеч нарсани инониб бўлмайди. Чунки улар ота-онаси, қариндош уруғлари, ёр-у биродарлари, маҳалла-кўйнинг юзини ерга қаратишдан, бошини эгишдан уялмайди.

Қонунга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, бу жараёнда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг

фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссияси ташкил этилди. Ҳаммамиз яхши биламиз, қонун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб беради.

Агар қонун ҳаётда ишламаса, унинг бир неча варақ оддий қоғоздан фарқи қолмайди. Шундай экан, «коррупция ҳақида қонун қабул қилинди, энди ҳаммаси изига тушиб кетади», деб ўйлаш, хотиржамликка берилиш катта хато бўлади. Коррупция балосидан кутулиш, ислоҳотларни унинг чангалидан озод этиш ҳақида ҳаммамиз ўйлашимиз, бунинг заруратини ҳар биримиз юрагимиздан ўтказишимиз, унга қарши қатъий курашишимиз керак. Бу кураш кундалик ҳаётимиздаги оддий ҳолатлардан бошланади. Шифокордан яхшироқ маслаҳат олиш, навбатни тезлаштириш, рейтинг дафтарчасига тузукроқ баҳо қўйдириш ва шу каби вазиятларда ўзимизни муносиб тутишимиз лозим бўлади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг қуйидаги усуллари мавжуд.

1. Ички назорат — бу усул бошқарув аппаратининг ўзида назоратни кучайтирувчи тузилмалар (ҳар хил ички инспекциялар ва бошқа назорат органлари тузиш орқали) яратишини тақазо этади. Бу тузилманинг асосий вазифаси ходимларнинг ички этикет қоидаларига риоя қилишини назорат қилишdir. Ҳозирги кунда бизнинг юртимизда ҳам бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида айнан шу вазифани бажарувчи ички тузилмалар яратилган.

2. Ташқи назорат — бу усулда ижро аппаратидан мустақил тузилмаларнинг мустақиллигини ошириш назарда тутилиб, айнан ушбу тузилмалар орқали коррупцияга қарши самарали кураш олиб борилади. Яъни, суд ҳокимиятининг максимал даражада мустақиллигига эришиш оммавий ахборот воситаларига кўпроқ эркинлик бериш ва х.к.

3. Сайлов тизими орқали курашиш —демократик давлатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усулларидан бири кейинги сайловларда унга овоз бермаслик ҳисобланади. Коррупцияга сайловлар орқали таъсир ўтказиш энг самарали усул ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашда юқори натижаларга эришган Швеция, Сингапур, Гонконг, Португалия каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашда муҳим ўрин эгаллади.

Бунда Конституциявий назорат органлари, хуқуқ-тартибот органларининг аҳамияти ортади. Яъни, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган нормаларни конституциявий назорат органи томонидан конституцияга зид деб топиш, аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш каби методлардан унумли фойдаланиш ушбу давлатларни коррупция даражаси жуда паст бўлган давлатлар қаторига олиб чиқкан. Биз қўйида Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашда қўлланилган усуллар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Сингапур давлати 1965 йил мустақилликка эришгач коррупция даражаси энг юқори бўлган давлатлар қаторида турад эди. Лекин бу иллатга қарши ўтказилган бир қатор тадбирлар бу давлатда коррупциянинг минимал даражага тушишига олиб келди. Биринчи навбатда бу ерда бюрократик жараёнлар енгиллаштирилиб суд тизимининг мустақиллиги оширилди (судьяларнинг даромадлари ва имтиёзларини ошириш эвазига). Шу билан бирга коррупция жиноятлари учун санкциялар оғирлаштирилиб, фуқароларга коррупцияга қарши жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилишда бош тортганлиги учун жуда катта молиявий санкциялар белгиланди. Бир қатор давлат идораларида оммавий “тозалашлар” ўтказилиб бу жараёнлар телеканаллар орқали бутун мамлакатга намойиш қилинди. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг ҳаммаси Сингапурни қисқа муддатларда коррупция даражаси энг паст мамлакатлар рўйхатида илғор давлатлар қаторига олиб чиқди. Шунингдек, давлат хизматчисининг аҳлоқ стандартларига риоя

Этишини қаттиқ назорат остига олиш ҳам Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашда муҳим дастаклардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Коррупцияга қарши курашда жаҳон мамлакатлари тажрибасини ўрганиш шуни қўрсатадики фақатгина жиноий қонунчиликни оғирлаштириш йўли билан бу салбий иллатга қарши курашиб бўлмайди (XXРда жуда кўп микдорда пора олганлик учун ўлим жазоси мавжуд). Бу иллатни енгиш учун биринчи навбатда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқаролик институтлари фаолиятини қучайтириш лозим бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Коррупция тушунчаси, маъно ва мазмуни.
2. Коррупциянинг тарихий илдизлари ва келиб чиқиши.
3. Коррупциянинг турлари ва кўринишлари.
4. Коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

### **2-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш борасида ҳалқаро ҳуқуқий хужжатлар.**

#### **Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари.
2. Коррупцияга қарши қаратилган юқори самарали чора тадбирларни қабул қилиш ва мустаҳкамлаш.
3. Коррупцияга қарши курашда ҳалқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва ўрни.

Бизга маълумки, коррупция жамиятни ривожланишига қарши қаратилган ҳаракат сифатида ҳар қандай жамият ва давлатда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқурлаштиришга сабаб бўладиган омил сифатида баҳоланади.

Кўпчилик эксперталар томонидан жамиятда коррупция мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмаслиги қайд этилган.

Коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолият комплекс-мажмуавий тарзда мунтазам равишида изчил амалга оширилиши яхши натижа бериши мумкин.

Ҳар бир давлат коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва обьекти сифатида алоҳида олинган коррупционерга эмас, балки ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларни бартараф қилиш ва профилактик олдини олиш чораларида намоён бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этишда қуйидаги-ларни инобаттга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжат-ларини замон ва ислоҳотлар талаблари даражасида такомиллаштириш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамият аъзолари бўлган фуқароларимиз онгига коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни мунтазам равишида шакллантириб бориш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил тадбиқ қилиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш ва оқибатларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, коррупцияга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чораларни илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил этиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш.

Ҳар қандай давлатда коррупциянинг ривожланиши давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига салбий таъсир кўрсатади, натижада жамият аъзоларини мазкур давлатнинг органларига бўлган ишончига путур етказишга олиб келади.

**Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра коррупция жиноятларининг тавсифи.** Ижтимоий муносабатларни коррупция жиноятларидан муҳофаза қилишда коррупцияга қарши курашнинг жиноят-

хуқуқий воситалари тизими – Ўзбекистон Республикаси ЖК Умумий ва Махсус қисмлари нормаларининг тартибга солинган мажмуи муҳим ўрин тутади.

Мазкур тизимда бирлаштирилган нормаларни шартли равишда беш гурухга ажратиш мумкин:

1) жиноятчилик ва коррупция жиноятларини жазолашнинг умумий шартларини тартибга солувчи нормалар мажмуи (ЖК Умумий қисмининг нормалари);

2) коррупция жиноятлари учун жиноий жавобгарликни белгиловчи нормалар (ЖК Умумий қисмининг нормалари);

3) ЖК Махсус қисмининг мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ўзганинг молмулкини талон-торож қилганлик учун жавобгарлик ўрнатувчи нормалари;

4) мансабдор шахснинг жиноий қилмишлари учун жиноий жавобгарлик белгиловчи нормалар;

5) ЖК Махсус қисмининг мансабдор шахснинг жиноят содир этиши таснифловчи белги ҳисобланган мансабга оид бўлмаган жиноятларининг алоҳида турлари учун жавобгарлик ўрнатувчи нормалари.

Ҳозирги глоболлашув даврида ёки жараёнида коррупция муаммоси жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатида мавжудлигини кўриш мумкин. Аммо бу - барча давлатларда ҳам коррупция бир хил деган маънони англатмайди. Экспертларнинг хуносасига кўра, коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турли хил бўлиб, тарихий ривожланиш босқичи ҳамда ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган маъмурий нормалар мажмуи ишлаб чиқилган.

ХХ асрнинг 90 йилларидан халқаро ва минтақавий доираларда коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ халқаро шартномалар қабул қилина бошланди.

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўп томонлама халқаро ҳужжатлар қабул қилинган:

Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка конвенцияси”;

Европа иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Евро иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси ;

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январ-да қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси ;

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябр-да қабул қилинган “Коррупция учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлиги тўғрисида”ги Конвенцияси;

2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси;

БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш” Конвенцияси;

МДҲ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрдаги қарорга мувофиқ, “Коррупцияга қарши сиёsatнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги ҳам коррупцияни жамият ривожланишига қарши қаратилган иллат сифатида унинг қанчалик хатарли эканлигини кўрсатади.

Давлат ҳокимияти органларининг коррупциянинг заарли таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ хукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга олиб келган.

1978 йилда АҚШ Конгресси “Ҳукуматдаги ахлок тўғрисида”ги қонунни қабул қилган. Ушбу Қонуннинг вазифаси давлат амалдорлари ва муассасалари ҳалололигини сақлаш ҳамда бунга имконият яратишдан иборат.

Канаданинг жиноят қонунчилигига “мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “Ҳукуматни алдаш”, “мансабдор шахс томонидан содир этилган ишончни суситеъмол қилиш” мансабдорлик жиноятлари ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

1985 йил Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддият юзага келган ҳолда улар амал қилиши шарт бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзида мужассам қилган Кодекс қабул қилинган.

Канадалик қонун ижодкорларининг фикрига кўра, ушбу қонунлардан кўзланган мақсад – давлат аппарати ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини оширишга қаратилганлигини қайд этишади.

Давлат хизмати тизимида коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш ва барҳам бериш мақсадида Францияда XX асрнинг

90 йилларида сайланган барча давлат хизматчилари ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида тегишли давлат идораларига маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шунингдек, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган хукуқий ва ташкилий асослар қонун ижодкорлиги асосида яратилган.

Коррупцияни олдини олишнинг назарий пойдевори “таълим, хабардорлик ва тарғибот” (Education, Awareness and Advocacy) тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” (effectiveness, transparency, accountability) тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада давлат сиёсати дунёда (хусусан, Сингапурда) “one size fits all” (“барча учун бир хил мезон”) тамойиллари ишлаб чиқилган ва ўзининг ижобий натижасини берган.

“Республика бўйича 2018 йилда 1561 нафар турли тоифадаги мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Буларнинг аксариятини – 580 нафар хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, 257 нафари – таълим соҳаси, 83 нафари – соғлиқни сақлаш тизими, қолган қисмини бошқа соҳа вакиллари ташкил қиласиди. Жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг 39 нафари республика, қолганлари вилоят туман-шаҳар миқёсидаги вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келган. Жиноий жавобгарликка тортилган бу ходимларнинг 821 нафари ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, 138 нафари пора олиш ва бериш, қолганлари эса бошқа мансабдорлик жиноялари учун жавобгар бўлган”. Мазкур таҳлилий материиллардан ҳам кўриниб турибдики, кейинги икки йилда мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш ишлари давлатнинг ваколатли органлари томонидан изчил равишда амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев раҳномалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан бири коррупцияга қарши тизимли равишда курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмаси ва амалга ошириш стратегияси халқаро ҳуқуқий талабларасида белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорқ, 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши жамият

тараққиётини амалга оширишнинг миллий механизми сифатида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашишнинг алоҳида институционал тузилмаси сифатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, ҳозирги кунда мазкур идора UNODC (БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси), UNDP (БМТ тараққиёт дастури) ва OSCE (Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) каби ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича фуқароларнинг дахлдорлигини кучайтириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада давлат сиёсатини амалга ошириш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб берилиши давлат билан жамият аъзолари бўлган фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш изчил давом эттиришга шарт-шароитлар яратмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Коррупцияга қарши кураш ва унинг хуқуқий асослари.
2. Коррупцияга қарши қаратилган юқори самарали чора тадбирларни қабул қилиш ва мустаҳкамлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига кўра коррупция жиноятларининг тавсифи.
4. Коррупцияга қарши курашда ҳалқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва ўрни.

### **3-Мавзу: 2008 йил июл ойида Ўзбекистон Республикасини БМТнинг**

#### **Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши.**

##### **Режа:**

1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция мазмуни ва моҳияти.
2. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясидаги асосий вазифалар.

3. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида қонуннинг аҳамияти.

**БМТнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:**

1) “Хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқатвор Кодекси” (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқатвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқатвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабря қабул қилинган);

4) БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва пораҳўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабря тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабря қабул қилинган);

6) БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);

7) БМТ Форумининг оффшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

8) БМТ Бош котибининг коррупцияга оид маъruzаси (Вена, 2001 йил 8-17 май);

9) Коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тўплами (2001 йил июнь);

10) Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тұғрисидаги Вена декларациясина амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган);

11) БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тұғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31октябрда қабул қилинган).

**Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши кураш борасидаги хужжатлари:**

1) Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тұғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

2) Европа Кенгашининг коррупция учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик тұғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь);

3) Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тұғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь);

4) Коррупцияга қарши курашнинг йигирмата принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йил 6 ноябрь);

5) Давлат хизматчилари учун Модель хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 11 май);

6) Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясini молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2003 йил 8 апрель);

7) Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тұғрисидаги ЕИИ Директиваси (1991 йил 10 июнь);

8) Пулни тозалашга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси 2002 йил 8 февраль).

**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида коррупцияга қарши**

**кураш борасида қабул қилинган ҳужжатлар :**

- 1) Жиноятчиликка қарши курашда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирокчи-давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги Келишуви (Москва, 1998 йил 25 ноябрь);
- 2) “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XXII пленар йиғилишида қабул қилинган 2003 йил 15 ноябрь);
- 3) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XIII пленар йиғилишида қабул қилинган 1999 йил 3 апрель);
- 4) “Ғайриқонуний йўлдан олинган даромадларни легаллаштиришга қаршилик қилиш тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XII пленар йиғилишида қабул қилинган 1998 йил 8 декабрь);
- 5) “Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги тавсиявий қонунчилик акти (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг қарори билан қабул қилинган 1996 йил 2 ноябрь).
- 6) Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гурухи тўғрисидаги битим (Москва, 2011 йил 16 июнь).

**Бошқа халқаро ташкилотларнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:**

- 1) Иш юзасидан халқаро операцияларни амалга оширишда чет эллик давлат мансабдор шахси томонидан пора беришга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган 1997 йил 21 ноябрь);
- 2) Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Америкааро конвенцияси (Каракас, 1996 йил 29 март);
- 3) Адлия ва хавфсизлик органлари ходимларига нисбатан коррупцияга қарши кураш ва уларнинг виждонли ва пок бўлишини таъминлаш чоралари

бўйича умумий тавсиялар (Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Глобал форум, Вашингтон, 1999 йил 24-26 февраль).

### **БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси.**

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат бу - шубҳасиз, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Конунчилик палатаси томонидан “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ти Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизmlари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.

2008 йил 7 июль, ЎРҚ-158-сон 3. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида қонуннинг Конунчилик палатаси томонидан 2008 йил 24 июнда қабул қилинган. Сенат томонидан 2008 йил 27 июнда маъқулланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қуидаги билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилсин:

1) Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар

ишлаб чиқиши ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланган»;

2) Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни баён қиласиди, 15—19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмишлардир ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилади»;

3) Конвенция 44-моддасининг 6-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг «а» кичик бандига мувофиқ шуни билдирадики, у ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун хукуқий асос сифатида фойдаланади»;

4) Конвенциянинг 46-моддаси бўйича:

а) 13-банд. «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро хукуқий ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий органдир»;

б) 14-банд. «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, ўзаро хукуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборища ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланган»;

Конвенциянинг 66-моддаси бўйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенция 66-моддасининг 3-бандига мувофиқ шуни баён қиласиди, у ўзини Конвенция 66-моддаси 2-бандининг қоидаларига боғлиқ деб ҳисобламайди».

### **Назорат саволлари:**

1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция қачон қабул қилинган.
2. Конвенциянинг мазмуни-моҳияти ва аҳамияти.
3. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясидаги асосий вазифалар.

4. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши.

#### **4-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар.**

##### **Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
2. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари.
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 январь куни «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ушбу Қонунда қуйидаги **асосий тушунчалар** қўлланилади:

коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда такдим этиш;

коррупцияга оид хуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин

бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Коррупцияга қарши курашишнинг **асосий принциплари** қўйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

тизимлилик;

давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат**:

аҳолининг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни ўз вактида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ушбу Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади

ҳамда амалга оширилади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасининг самарадорлигини таъминлашда қўйидагиларни эътибор олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчидан – коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигига эришиш модели ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда холис ва шаффоф баҳолаш тизими аниқ қонунчиликда мустаҳкамланиши лозим. Амалдаги қонунчиликда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг юқоридаги санаб ўтилган ҳуқуқий ва иқтисодий ҳамда ижтимоий элементлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва бирбирига таъсир қилиш механизми йўлга қўйилмаган. Демак, коррупцияга қарши курашиш бўйича яхлит комплекс тизимнинг узвий ишланини жамиятда йўлга қўйиш қўйиш унинг самарадорлигини таъминлайди;

иккинчидан – коррупцияга қарши курашиш стратегиясида инновацион ёндашувни самарали қўллаш. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш. Бунда, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – жиноят ва жиноят прцессуал қонунчилигини коорупцияга қарши курашиш бўйича моддаларини мукамал ишлаб чиқиш ҳамда коррупцияни келтириб чиқараётган ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва коррупцияни олдини олишга қаратилган дастурлар, чортадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилишда аниқ статистика ҳамда далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласди;

учинчидан – жамиятнинг ижтимоий соҳаларида хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, коррупция билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни барҳам беришга қаратилган дастурлар ижросини барча соҳаларда таъминлаш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида халқаро хужжатларда назарда тутилган стандартларни қонунчиликда мустаҳкамлаш яхши натижаларга эришиш имкониятини яратади;

тўртинчи – коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини ижросини жамиятда таъминланиши ва бу борада тизимли мониторинг қилиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмнинг ислоҳотлар талаблари даражасида ишлаб чиқиши ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш даражасининг талаб даражасидан пастлиги, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда таъминланиши, коррупцияни олдини олишга қаратилган қонунчилик нормаларини халқаро ҳуқуқ талаблари асосида такомиллаштириш жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатишга хизмат қиласди.

бешинчи – коррупцияга қарши курашишнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб амалда реал ишлайдиган стратегияни ишлаб чиқиши асосида замонавий тенденцияга кўра, коррупцияга қарши курашиш масалан мамлакатимиизда давлат хизматлари агентлигини ташкил этилганлиги ва халқимизга халқаро талаблар асосида хизмат қилинаётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашишининг янги босқичини бошлаб бериб, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш дахлдорлигини оширишда муҳим қадамлардан бўлаётганлигини қайд этиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

олтинчидан – коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларини ташкил этишда жамият аъзолари бўлган фуқароларимизни фаол иштирокини кучайтириш, коррупцияга тегишли бўлган маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда

коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш, коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишда жамоатчилик назоратини таъминлашнинг изчил тизимини яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш;

етинчидан, Ўзбекистонда ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, коррупция ҳолатлари олдини олишга қаратилган янги инновацион усулларини ишлаб чиқиши ва қўллаш, коррупция ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жамиятда коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнип ишлаб чиқиши жамиятни қонуний ривожланишига хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzасида жамиятда инсон хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари такомиллаштирилганлиги борасида қўйидаги таҳлилий маълумотларни таъкидлади.

“Бугунги кунда юртимизда инсон хукуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, шахсни айблашда қонунга зид усулда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланди.

Кейинги икки йилда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чоралар кўрилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тутатилди, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Ваҳоланки, бу рақам 2016 йилда – эътибор беринг – бор – йўғи 28 тани, 2017 йилда эса 263 тани ташкил этган эди.

Шунингдек, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айловдан чиқарилиб ташланди, 2 минг нафар шахс эса суд залидан озод қилинди. Судларда ишларни йиллар давомида қайта-қайта кўриш амалиётига бутунлай чек қўйилди.

Инсонпарварлик тамойили асосида янги амалиёт жорий этилмоқда. Бунинг натижасида жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига

чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фуқаро, жумладан, 456 нафар йигит-қиз ҳамда 113 нафар аёллар Ёшлир иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг кафиллиги билан жазодан озод қилинди.

Шуниндек, жазони ўтаётган 3 минг 333 нафар, жумладан, фаолияти ман этилган ташкилотларга кириб қолган 646 нафар маҳкум авф этилиб, оиласи бағрига қайтарилди.

Бир пайлар диний экстремистик гурӯҳларга алоқаси бор, деб назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаро “махсус ҳисоблар”дан чиқарилди.

Ман этилган ташкилотларга адашиб кириб қолган, қилмишига пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган фуқароларнинг мурожаат-ларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди”.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сонли қонуни билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (НҶО-ЙОРК, 2003 йил 31октябрь) Ўзбекистон Республикаси қўшилган.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг бугунги шароитида коррупцияга қарши муросасиз курашиш давлат ва жамият олдидаги муҳим ва устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мустаҳкам ҳуқуқий асос ва самарали ҳуқуқий механизмни жорий этилишини талаб этади. Шу муносабат билан 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг кучга киритилиши “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғояларни жамият ҳаётига татбиқ қилиш ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш ишларини самарали ташкил қилиш мақсадида қабул қилинган. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган стратегик ислоҳотларни самарали якупнаниши ҳамда “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилишига хизмат қилишини қайд этиш жоиз.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ:

- коррупция деганда – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларни кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шуниндек бундай нафни қонунга хилоф раишда тақдим этиш тушунилади.

- коррупция оид ҳуқуқбузарлик деганда – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилиш тушунилади;

- манфаатлар тўқнашуви деганда - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг ёки хизмат мажбурият-ларининг лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилот-ларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилади.

Бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашища куйидаги масалаларни эътиборга олиш лозим:

коррупция ва унинг оқибатлари жамият ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси содда ва тушунарли тилда ҳуқуқий жиҳатидан шарҳланган ҳолда жамоатчиликни хабадор қилиш;

ҳар бир соҳада коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали қонунчиликни ҳамда ички тартиб қоидаларни такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳар бир давлат органида ўз ходимларини коррупция ҳолатларидан огоҳлантириш ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали механизмни ишлаб чиқиш ва уни реал ҳаётга тадбиқ қилиш чоратадбирларини белгилаш;

ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олишга қаратилган давлат сиёсатини таъминлаш орқали коррупцияга сабаб бўлувчи ҳолатларга барҳам беришга эришиш;

жамиятда коррупция жиноягини содир этган шахсларга нисбатан яъни коррупционерларга нисбатан жазо муқаррарлиги мамлакатимизда қонун устуворлиги асосида таъминланётганлиги хусусида оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда кенг ёритиб боришни йўлга қўйиш;

ҳар бир соҳада коррупцияни олдини олиш ишларини ташкил этишга кенг жамоатчиликни, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш коррупцияга қарши ишларни самарадорлигини ошириш;

ижтимоий-иқтисодий соҳада фаолият юритаётган давлат органлари тизимида маъмурий-бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

давлатнинг ваколатли органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралashiшга йўл қўймаслик чора-тадбирларини янада такомиллаштирилган ҳолда мустаҳкамлаш;

давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг назорат қилишнинг масофавий шакллари-ни кенг жорий этиш асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида хуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўз ваколатлари доирасида таклиф ва тавсиялар бериш;

Ҳар бир соҳада ўзининг хусусиятидан келиб чиқиб, “Ахлоқ-одоб қоидалари”ни тасдиқлаш, мазкур қоидаларнинг алоҳида бўлимида коррупцияга қарши курашиш қоидаларни белгилаб қўйиш;

Ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш ишларни ташкил этиш ходимларнинг бу соҳадаги жавобгарликларини ички локал ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйишида юридик хизмат ролини ошириш коррупцияни олдини олиш ишларини самарали бўлишига хизмат қиласи.

### **Назорат саволлари:**

1. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва мазмuni.
2. Коррупцияга қарши курашишнинг хуқуқий асослари ва принциплари.

3. Коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларнинг ташкил қилиниши.
4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг самарадорлигини оширишнинг аҳамияти.

## **5-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.**

### **Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар.
2. Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари.

2017 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752- қарорида Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиясини тузилиши, мазкур Комиссия тўғрисидаги Низомни тасдиқланиши, Мазкур Низомда Комиссиянинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилганлиги мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш ишларини тизимли равишда олиб борилишига шарт-шароитлар яратади ва коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини самарали таъмин-ланишга хизмат қиласади.

Мазкур Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ: Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва

унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилот-ларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

- коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширили-шини таъминлаш;

- коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадор-лигини баҳолаш;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бизга маълумки, бугунги кунда, ҳокимлар ва уларнинг турли даражадаги ходимлари, бошқа давлат органларининг ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноят содир этилаётганлиги ҳамда пора билан қўлга тушаёганлиги тўғрисида маълумотлар оммавий ахборот воситаларида берилаётганлиги жамиятда коррупцияга қарши курашиш ишлари давлатнинг ваколатли органлари томонида тизимли равишда изчил борилаётганлигини кўрсатади.

Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган хабарда давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари томонидан:

- 2018 йил 3 чорагида ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органларнинг топшириқлари ҳамда жисмоний шахсларнинг мурожаатлари асосида бюджет ташкилотларида 1334 та давлат молиявий назорат тадбирлари ўтказилганлиги:

- ўтказилган назорат тадбирларидан 1111 тасида молиявий интизомга риоя қилинмай сарфланган маблағлар 16,6 млрд. сўмни, шундан камомад ва ўзлаштиришлар 4,5 млрд сўмни, ноқонуний харажатлар 12,1 млрд сўмни ташкил этганлиги;

- шунингдек, ҳисобот даврида бюджет интизомини бузган бюджет ташкилотларининг 20 нафар раҳбар ва мансабдор шахслари 13,9 млн. сўм миқдорида маъмурий жавобгарликка тортилганли маълум қилинган.

### **Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва**

#### **унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

8-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (бундан буён матнда Идоралараро комиссия деб юритилади) ташкил этилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-  
2752-сонли қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича  
республика идоралараро комиссияси таркиби ва Коррупцияга қарши  
курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари  
доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва  
бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг аниқ  
ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини,  
терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек  
хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини  
мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга  
oshiради;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари  
тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир  
мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хукуқларини  
тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги  
фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси хукуқини амалга  
oshiришда иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда хукуқий онгни, хукуқий маданиятни  
юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хукуқий

тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини,

аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йигади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини

таъминлайди;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласиди;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ахоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидағи коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф

етиш бўйича чоралар қўради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Боз прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Боз прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирав фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизmlарини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказади;

жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишининг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-

шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласиди;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва худудий

идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари хузуридаги ишчи гурухлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши. Оммавий ахборот воситалари:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар.
2. Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари.
4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг вазифалари.

## **6-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари.**

### **Режа:**

1. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг коррупцияга қарши

курашишда иштирок этиши.

2. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда фаоллигини оширишнинг аҳамияти.
3. Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хуқуқий таълим ва тарбияни амалга оширишнинг аҳамияти.

2017 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;
- аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжат-ларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун хужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва худудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари хузуридаги ишчи гурухлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари

Ушбу Конуннинг 15-моддасига биноан. оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши қўйидаги тарзда мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра оммавий ахборот воситалари:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Экспертларнинг фикрича қайси соҳада коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тизимли равишида йўлга қўйилмаган бўлса, ушбу соҳа ривожланмаётганлигини кўриш мумкин.

Кейинги икки йилда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупция иллати йиллар давомида томир отганлиги тўғрисида ўзининг чиқиш ва марузаларида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини такрор-такрор қайд этиб келмоқда.

Шу боис ҳам, давлатимиз раҳбари ўзининг сайлов олди маъruzalariдан бирида ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, “бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз - мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат” деб таъкидлаган эди.

“2019 йилдан бошлаб жорий этилган янги солиқ концепциясининг энг

асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини кўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторларга учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин. Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ юкини камайтириш бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган дастур ишлаб чиқишимиз зарур”.

Бизга маълумки, солиқ ставкаларини пасайтирилиши ёки айрим солиқларнинг бекор қилиниши билан бюджетга тушадиган тушумлар албатта камаяди. Бу масалани солиқ маъмурчилиги орқали бартараф этиш мумкин, яъни шу вақтгача фаолият юритаётган “яширин” иқтисодиёт жамиятда қонуний иқтисодиётга айланиши натижасида инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилигига рағбатлан-тиришни хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш тадбиркорлар, бизнесмен-лар фаолиятини янада ривожланишига ҳамда ялпи миллий даромадда хусусий мулкнинг улушкини оширишга хизмат қиласди.

Бундан ташқари, кўпчилик ҳалқаро эксперталар томонидан ҳар бир давлат ва мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини ролини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш ва улар билан давлат органлари ҳамкорлигини таъминлаш демократик хуқуқий давлатнинг асосий шартларидан бири эканлигини қайд этадилар.

Биз шуни қайд этишимиз лозимки, илгари юртимизда коррупция муаммоси тўғрисида сўз очиш деярли мумкин эмас эди.

Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш давлат ва жамият олдида турган энг муҳим масала сифатида ҳал этилиши лозимлиги шундан иборатки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида мазкур вазифани ечимини топиш давлат раҳбари томонидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам коррупцияга қарши таъсирчан механизмларни қўллаш муҳимлиги қайд этилган эди.

Мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигига давлатнинг мазкур иллатга қарши курашиш ишларини самарали ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, уларни реал ҳаётга татбиқ қилиш учун тизимли равишда ишлар давлат органлари томонидан олиб борилаяпди.

Бугунги қунда, халқаро субъектлар ҳамда жамоат арбоблари томонидан тан олинган мамлакатимизда тизимли равишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг йўл харитаси ҳисобланган Ҳаракатлар стратегиясида мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юқорида қайд этилган қонун ва қонун ижросини таъминлашда фуқароларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш мамлакатимизда фуқаролик жамиятни ривожлантиришга хизмат қиласи.

Албатта, бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда жамиятда коррупцияга қарши курашиш ва энг муҳими коррупциянинг олдини олиш ишларини ташкил этишга қаратилган мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари-билиш давлат идоралари ўртасида ҳамкорликни замон талаблари даражасида ташкил этиш, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигига эришиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва савияларини янада оширишни йўлга кўйиш коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ижросини таъминлашда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Кейинги икки йилда мамлакатимизда халқимизнинг адолат қарор топган жамиятда яшashi учун маъсул бўлган давлат идоралари ўз фаолиятларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этмоқдалар, аммо, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларига ҳар бир фуқародан ушбу масалага ўзининг фуқаролик бурчи сифатида ёндошиб бу

ишлиарга ўз ҳиссаларини қўшиши лозимлигини қайд этиш жоиз.

Бу ишлиарни амалга оширишда энг муҳим масала бизнинг фикримизча юртдошлиаримизда коррупцияга, умуман олганда ҳар қандай кўринишдаги қонунбузарликка нисбатан муросасизлик кайфиятини мунтазам равишда шакллантириш талаб этилади.

Жамиятда қонунбузарликни содир этилишида айниқса коррупцияга доир жиноятларни содир этилишида кўпинча фуқароларимизнинг лоқайдлиги, ўз ҳақ-хуқуқларини билмаслиги ҳамда айrim тадбиркорлик субъектлари раҳбарларининг юридик билимларини жуда паст даражада эканлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бунга эришиш учун давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари бу соҳада ҳамкорликни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиши зарур бўлади.

Ривожланган давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва хуқуқий ривожланишларидан бизга маълумки, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш коррупцион ҳолатларни келтириб чиқарувчи вазиятларни олдини олишга хизмат қиласди.

Мамлакатимизда бу соҳада ишлиарни ташкил қилишда “Ижтимоий шерикчилик”, “Жамоатчилик назорати”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари” ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ижросини жамиятда ижросини таъминлашда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорликларини янада юқори босқичга қўтариш орқали у ёки бу мансабдор шахснинг фаолиятини холисона баҳолаш орқали амалга оширишни йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ўзига хос жиҳатлари ва бу соҳанинг ташкилий-амалий хусусиятлари ижтимоий шериклик шартномасида аниқ белгилаб қўйилиши коррупцияга қарши курашиш ишлиарини самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Демократик хуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири биринчидан, бу-фуқаролар устидан босим ўтказиш эмас, балки, фуқароларнинг конституцияда ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хуқуқ ва манфаатларини амалга оширишда уларга ёрдам беришга хизмат қиласиган фуқаролик жамияти институтларининг мавжудлиги бўлса, иккинчидан, жамиятда уларнинг фаолиятини самарали ишлаши учун давлат томонидан ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилиши орқали намоён бўлади.

Бизга маълумки, давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бешта устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ва мазкур қонунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратининг асосий субъектларининг бири сифатида белгиланиши ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш асосида ривожлантириш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш вазифасини қўйди.

Мазкур вазифаларни амалга оширишни назарда тутган Давлат раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги маҳсус Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ Президент ҳузурида давлатнинг ва фуқаролик институтларининг мамлакатни янада жадал ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган жамиятдаги барча ҳаракатларни ҳамда замонавий демократик институтларни очиқ-ошкора майдон сифатида бирлаштирувчи Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилганлиги ҳам ушбу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

Ҳар бир давлат органи ҳузурида ташкил этилган коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятларини янада юксалтириш

учун мазкур жамоат-чилик кенгаши аъзолигига нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилари ҳамда касаба уюшмаси фаоллари киритиш орқали ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш яхши натижа бериши мумкин.

Шунингдек, ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олиниши мазкур соҳаларда коррупцияни олдини олишга хизмат қиласди.

Ҳар бир давлат органи ҳузурида коррупцияга қарши курашиш чоратадбирларини ишлаб чиқиши ва реал ҳаётга жорий қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамда бошқа идоралар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрларни танлаш, айниқса, раҳбар ходимларни тайинлашда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича билим даражасини тестлар орқали ўрганишни жорий қилиш давлат органлари фаолиятида шафоффлик ва очиқликни таъминлашга олиб келади.

Бизга маълумки, мамлакатимизда кейинги икки йилда давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги мулоқатни сустлиги чек қўйилди, бу эса ўз навбатида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ишларни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди.

Бугунги кунда, давлат раҳбаримиз томонидан бир қатор соҳаларда коррупцияни олдини олишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди жумладан: “Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, ушбу қонун қабул қилинишидан олдин бу соҳани 30 ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши оқибатида давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги натижасида кўп босқичли келишлар ҳамда такрорловчи тартиблар айrim ҳолларда коррупцияга шароит яратилганлигини кўриш мумкин. Мазкур қонун давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат харидлари очиқлиги ҳамда шафоффлигини таъминлаш орқали бу соҳада коррупцияни олдини олишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши.
2. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда фаоллигини оширишнинг аҳамияти.
3. Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хуқуқий таълим амалга оширишнинг аҳамияти.
4. Коррупцияга қарши курашишда тарбиянинг роли ва ўрни.

**7-Мавзу: “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари (27.05.2019). Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти.**

### **Режа:**

1. Аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.
2. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.
3. Коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Ҳозирги глобаллашув замони, мінтақалар ва давлатлараро интеграция жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини солмоқда. Бинобарин, бугун каттами-кичикми, бойми-камбағалми, қудратлими-кучсизми биронта

давлатни коррупциядан холи худуд, деб айтольмаймиз. БМТ ва Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли йилига 1,5-2,6 триллион долларгача зарап кўрмоқда.

“Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармон бу борадаги изчил саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад юртимиизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Мазкур Фармон билан 2019—2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилиниб, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Фармон билан қабул қилинган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг “Аҳолининг хукуқий онги ва хукуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш” деб номланган йўналишида белгиланган чоратадбирларни амалга оширишда “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳам қатор ташкилотлар ҳамкорлигига иштирок этиши белгиланди. Хусусан:

- содир этилаётган коррупцияга оид жиноятларнинг ўзига хос схемасини ўрганиш асосида коррупциянинг типологиясини тузиш;
- коррупцияга мойил бўлган соҳаларни аниқлаш асосида тармоқлар кесимида коррупцияга оид хариталарни тузиш;
- коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилишининг шартшароитлари ва сабабларини ўрганиш, шунингдек уларни бартараф этиш таклифларини ишлаб чиқиш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган чоратадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим ва тадқиқот

муассасалари илмий ходимларига, шу жумладан, халқаро ташкилотлардан коррупцияга қарши курашиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш бўйича грантлар жалб қилиш орқали кўмаклашиш;

— коррупция даражаси, коррупцияни идрок этиш ва шахсий тажрибаси, шунингдек, давлат ҳокимияти институтларига ишонч ва коррупцияга қарши чораларнинг таъсири даражасини баҳолаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадқиқотларни ташкил қилиш назарда тутилмоқда.

Коррупцияга олиб келувчи туб сабабларни аниқ таҳлил қилиш, коррупция илдиз отиши мумкин бўлган соҳалар ҳақида аҳоли ва мансабдор шахсларни мунтазам огоҳ этиб бориш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар орасида коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш асосий вазифа саналади. Ўз навбатида, аҳолининг турли қатламлари орасида, шунингдек, давлат органлари ва тадбиркорларнинг юзма юз учрашувларини, очиқ мулоқотларини ўтказиш, хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши самарали курашиш тажрибасини ўрганиб, мақбул жиҳатларини ўзимизда тадбиқ этиш, бу йўналишда чуқур таҳлилий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг натижаларига таянган ҳолда коррупцияга қарши курашишнинг самарали усусларини ишлаб чиқиб, тегишли таклифларни тайёрлаш ва мутасадди идораларга тақдим қилиш асосий вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масала бўлиб, бу борада нафақат масъул идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқиб, қаердадир таъмагирлик, порахўрлик ҳолатларига дуч келсак, ҳар биримиз бу ноxуш ҳодисага нисбатан бефарқ бўлмаслигимиз, лоқайдлик қилмаслигимиз, аксинча, коррупция иллатини таг томири билан қуритишга қаратилган саъ-ҳаракатларни вижданан бажаришга киришмоғимиз бурч ва масъулиятимизга айланмоғи даркор. Бошқача ифодалаганда, адолатсизликка нисбатан

муросасиз бўлишни ўзимиздан бошлишимиз зарур. Зеро, бу борада ҳар бир фуқаронинг хуқуки қонуний асосда қатъий кафолатланган. Яъни, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид хуқуқбузарлик фактларига доир мурожаатлари тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахслар ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Президент Шавкат Мирзиёев **2019 йил 27 май** куни Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармонни имзолади. Хужжат коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини оширишга қаратилган.

Фармон билан 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди ва Сенат раиси Нигматулла Йўлдошев бошчилигидаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссиялари ташкил этилади. Улар жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидагиишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш, жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳукуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равища ахборот бериб боради.

Фармонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қўйидагилардан иборат экани белгиланди:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равища таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизими니 шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ хукуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-хуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказиша ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид хукуқбузарликларга имкон яратा�ётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-

томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг якунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши қурашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради;

Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши қурашиш дастурларини тасдиқлади;

ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

1 сентябрдан бошлаб таълим муассасаларида ёшларга коррупцияга қарши қурашиш соҳасида ҳукуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар татбиқ этилиши лозим. Бундан ташқари, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилади.

Уч ой муддатда, шу жумладан, техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга

оширишни назарда тутган ҳолда муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши лозим.

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилади. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳа бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилади.

Қўшимча равишда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган «Йўл харитаси» лойиҳаси ишлаб чиқиласди. Унда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усусларини жорий этиш кўзда тутилган.

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик) маҳсус ваколатли орган бўлиб, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул орган ҳисобланади. Агентлик Президентга бўйсунади ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдордир.

Унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қўйидагилардан иборат:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш; коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши

курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат») ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш;

НҲҲ ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирchan чораларни кўриш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш.

Агентлик ҳар йили Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъruzани тайёрлайди. Хужжат ОАВда эълон қилинади ва кўриб чиқиш учун Президент ва Олий Мажлисга киритилади.

Агентлик қўйидагиларга ваколатли ҳисобланади:

бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш;

ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан НҲҲ қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупция ҳолатини ўрганиш;

коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шартшароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчиликка мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий суриштирувлар ўтказиш;

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш;

давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантиришлар ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-

шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимномалар киритиши.

Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва мурожаатлари қўриб чиқилиши шарт. Кўриб чиқиш натижалари юзасидан 10 кун ичида ёзма ахборот берилиши лозим.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилади. Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгиланади.

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизмати қўрсатиш шартлари бўйича вазирга, унинг ўринbosарлари эса вазир ўринbosарларига тенглаштирилади. Қолган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари ва меҳнат ҳақи Давлат хизматини ривожлантириш агентлигидаги сингари бўлади (бу ерда қаранг). Идора бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 штат бирлиги миқдорида белгиланади, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (10 та) ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг (40 та) штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

Агентликка халқаро стандартлар бўйича танлов асосида ишга қабул қилинади. Ходимларга эгаллаган лавозими ва иш стажига мувофиқ ва мавжуд бўлганда, аввалги иш жойида берилган – ҳарбий ва маҳсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик мартабалар) ҳисобга олинган ҳолда мартаба даражалари берилади. Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинаётганлар Бош прокуратура Академиясида маҳсус таълим дастурлари бўйича ишдан ажralган ҳолда ўқитилади.

Фармонда қуйидагилар назарда тутилган:

2020–2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизимини («комплаенс-назорат») босқичмабосқич жорий этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи «E-Anticor.uz» электрон платформасини жорий этиш;

коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи маҳсус мобиль дастурий таъминотни жорий этиш.

Хужжат Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 30.06.2020 йилдан кучга кирди.

**Назорат саволлари:**

1. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш зарурлиги.
2. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари.
3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вактида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш масаласи.
4. Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг вазифалари.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси.**

#### **Режа:**

1. Коррупция тушунчаси ва атамаси.
2. Коррупциянинг тарихий илдизлари ва келиб чиқиши.

#### **Амалий машғулотнинг мақсади:**

- Коррупция тушунчаси ва атамасини очиб бериш.
- Коррупциянинг тарихий илдизлари ва келиб чиқишини ўрганиш
- Коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари таҳлил этиш.

#### **Амалий машғулотнинг вазифалари:**

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

### **2-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро хукуқий хужжатлар.**

#### **Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашнинг хукуқий асослари.
2. Коррупцияга қарши қаратилган юқори самарали чора тадбирларни қабул қилиш ва мустаҳкамлаш.

#### **Амалий машғулотнинг мақсади:**

- Коррупцияга қарши курашнинг хукуқий асосларини ўрганиш.
- Коррупцияга қарши қаратилган юқори самарали чора тадбирларни очиб бериш.

- Коррупцияга қарши курашда ҳалқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва ўрнини аҳлил этиш.

### **Амалий машғулотнинг вазифалари:**

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топширикни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

**3-Мавзу: 2008 йил июл ойида Ўзбекистон Республикасини БМТнинг**

### **Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши.**

#### **Режа:**

1. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция мазмуни ва моҳияти.
2. Коррупциянинг турлари ва шакллари.
3. Коррупцияга қарши курашиш борасида назорат тизимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлиги.

### **Амалий машғулотнинг мақсади:**

- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция мазмуни ва моҳияти очиб бериш
- Коррупциянинг турлари ва шаклларини таҳлил этиш.
- Коррупцияга қарши курашиш борасида назорат тизимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятлар учун жавобгарликни ўрганиш.

### **Амалий машғулотнинг вазифалари:**

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.

- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

#### **4-Мавзу: Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти қонуни ва қарорда белгиланган вазифалар.**

##### **Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.
2. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари.
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари.

##### **Амалий машғулотнинг мақсади:**

- Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш
- Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари таҳлил қилиш.
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат органлари фаолиятини ўрганиш.

##### **Амалий машғулотнинг вазифалари:**

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

#### **5-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш субъектлари ва идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари.**

##### **Режа:**

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар.

## 2. Идораларо комиссиянинг асосий вазифалари.

### **Амалий машғулотнинг мақсади:**

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича идораларо комиссиялар моҳиятини очиб бериш.
- Идораларо комиссиянинг асосий вазифаларини ўрганиш

### **Амалий машғулотнинг вазифалари:**

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Венн диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

**6-Мавзу: “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган вазифалари (27.05.2019). Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида коррупцияга қарши курашдаги натижалари ва уларнинг аҳамияти.**

### **Режа:**

1. Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш.
2. Ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш.
3. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

**Амалий машғулотнинг мақсади:**

- Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга оширишни таҳлил этиш.
- Ёшларда коррупцияга карши курашиш фаол дунёкараш ва мустаҳкам фуқаролик нұқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга оширишни очиб бериш.
- Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини таҳлил қилиш.

**Амалий машғулотнинг вазифалари:**

- янги педагогик технологиялар (“Кластер”, “Вени диаграммалар”) ёки интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади.
- амалий машғулот учун материал - аниқ топшириқ (“Кейс топшириқлари”), топшириқни бажариш учун тегишли кўрсатма ва тавсиялар, ижодий ишланмалар (реферат, эссе)дан иборат дастурлар асосида ташкил этилади.

## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>АХЛОҚИЙ КОРРУПЦИЯ -</b>	бу давлат, ёки маҳаллий ҳокимият органи мансабдор шахсининг шахсий таъсири воситасида ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиши.	ETHICAL CORRUPTION is the abuse of one's official authority through the personal influence of an official of a state or local authority.
<b>АҲОЛИНИ КОРРУПЦИЯЛАШИШ ДАРАЖАСИ -</b>	маълум бир аҳоли сонига тўғри келадиган (одатда 100 минг киши) коррупция ҳолатлари, (коррупциялашиш коэффициенти), фуқароларнинг коррупциявий фаоллиги (коррупция фаоллиги индекси) ва унинг даврийлиги каби кўрсаткичларда ифодаланадиган аҳолини коррупцияга оид хуқуқбузарликка мойиллик миқдори.	LEVEL OF CORRUPTION OF THE POPULATION - the right of the population to corruption, expressed in indicators such as the number of cases of corruption per capita (usually 100 thousand people), corruption activity (corruption activity index) and its periodicity.
<b>БИЗНЕСДАГИ КОРРУПЦИЯ -</b>	хўжалик субъектлар, тижорат ташкилотларида содир этиладиган коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар.	CORRUPTION IN BUSINESS - actions related to corruption in business entities and commercial organizations.
<b>БИЗНЕСНИ ЭГАЛЛАБ ОЛИШ -</b>	коррупциянинг бир кўриниши бўлиб, бунда, мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда даромад олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан ўз назоратини ўрнатадилар.	BUSINESS OCCUPATION is a form of corruption in which officials exercise control over the activities of business entities in order to generate regular income.
<b>БЮРОКРАТИК ПРОТЕКЦИОНИЗМ -</b>	жамоат идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида	BUREAUCRATIC PROTECTIONISM is an informal structure of

	уюшган ёки бир гурухнинг ғаразли манфаатларини амалга ошириш учун шаклланган мансабдор шахсларнинг норасмий тузилмаси ( “ўз жамоаси»).	officials (“own team”) organized in public institutions and local self-government bodies or formed to pursue the selfish interests of a group.
<b>ВАКОЛАТНИ СУИСТЕММОЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАН ФОЙДА (АФЗАЛЛИК)</b> -	мансаб ваколатидан фойдаланиб олинган мулк, хизмат ёки имтиёз шаклида, шунингдек, мулкий ва мулкий бўлмаган бошқа ҳар қандай фойда (афзаллик).	BENEFITS FROM THE ABUSE OF POWER (ADVANTAGE) - in the form of property, services or privileges obtained from the exercise of official authority, as well as any other property (non-property) benefits (advantages).
<b>ВЕРТИКАЛ КОРРУПЦИЯ -</b>	бу атама икки маънода ишлатилади. Биринчидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинган ноқонуний мукофотнинг бир қисмини юқори даражадаги мансабдор шахсларга ўз хавфсизлигини таъминлаш ва коррупция фаолиятини давом эттириш учун бериб боришdir.	VERTICAL CORRUPTION - this term is used in two senses. The first is to give part of the illegal reward received from legal entities and individuals to high-ranking officials to ensure their safety and to continue their corrupt activities.
<b>ВИКТИМОЛОГИК -</b>	виктимологик ҳолатлар билан боғлиқ коррупция жиноятлари ва ушбу тоифадаги коррупция жиноятлари қурбонларини ҳимоя қилиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни олдини олиш, бартараф этишга йўналтирилган тадбирлар	VICTIMOLOGICAL - measures aimed at protecting victims of corruption-related crimes and victims of this category of corruption, as well as the prevention and elimination of its causes
<b>ВИКТИМОЛОГИЯ</b>	- (лотинча “victima” – жабрдийда, "logos" – фан маъносини англатади) шахснинг виктимологик	VICTIMOLOGY - (Latin "victima" - victim, "logos" - science) is a branch of science that

	хусусиятлари (жиноятчиликга қарши курашишга қодир бўлмаганлиги, камсукумлиги, соддалиги, ўта ишонувчанлиги кабилар) сабабли жиноят қурбонига айланишини ўрганадиган фан йўналиши.	studies the development of a person as a victim of crime due to the victimological features (inability to fight crime, inferiority, simplicity, overconfidence, etc.).
<b>ГОРИЗОНТАЛ КОРРУПЦИЯ -</b>	турли идораларнинг бир хил даражадаги расмий бир-бирлари билан ўзаро ва хизмат бўйича боғлиқ бўлмаган мансабдор шахслари ўртасидаги коррупциявий муносабатлар.	HORIZONTAL CORRUPTION is a corrupt relationship between officials of different agencies at the same level of official interaction with each other and unrelated to the service.
<b>ДАВЛАТ ЛАВОЗИМИГА САЙЛАНАДИГАН НОМЗОДНИ ПОРА ЭВАЗИГА ОФДИРИШ</b>	- хуқукий мақомига зид бўлган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, яъни ўз номзодидан воз кечиш учун танланган номзодни мулкий манфаатдор қилиш ёки унга шу тўғрисида вайда бериш. Масалан, сайлов жараёнидан ўз номзодини қайтариб олиш ёки сайловолди ташвиқоти фаолиятини сусайтириш	TRANSFERRING A CANDIDATE ELECTED TO A PUBLIC POSITION FOR A BRIBE is to commit an act contrary to his legal status, that is, to make a property interest or promise to a candidate chosen to renounce his candidacy. For example, withdrawing a candidate from the election process or weakening the campaign
<b>ДАВЛАТ ЛАВОЗИМИНИ СОТИБ ОЛИШ -</b>	субъект томонидан маълум бир давлат лавозимини бошқа мансабдор шахсга пул, мол-мулк ёки мулкий манфаатларни вайда қилиш ёки бериш йўли билан эгаллаши	PURCHASE OF A GOVERNMENT POSITION - an entity occupies a certain public position by promising or giving money, property or property interests to another official
<b>ДАВЛАТ ТИЗИМИДАГИ</b>	давлат функцияларини бажаришга ваколатли	CORRUPTION IN THE STATE SYSTEM is a

<b>КОРРУПЦИЯ -</b>	шахслар (хукумат вакиллари)нинг ўз ваколатларидан пора эвазига ғаразли мақсадларда фойдаланишга оид жиноий фаолияти.	criminal activity of persons authorized to perform state functions (government officials) in connection with the abuse of their powers for bribe purposes.
<b>КОРРУПЦИОНЕР -</b>	кенг маънода ҳокимият ва хизмат ваколатини шунингдек, жамият ва давлатнинг ўзига бўлган ишончини шахсий ёки корпоратив манфаатлар учун суистеъмол қилган шахсdir.	CORRUPTIONER is a person who abuses power and service authority in the broadest sense, as well as the self-confidence of society and the state for personal or corporate interests.
<b>КОРРУПЦИЯ ҚУРБОНЛАРИНИ ВИКТИЛМОЛОГИК ҲИМОЯЛАШ -</b>	бу фуқаролар, ижтимоий жамоалар ҳамда давлат ва нодавлат тузилмалар томонидан коррупция хатти-харакатлари ёки касбий заифлик қурбони бўлишга мойил бўлган аҳоли тоифалари заифлигини камайтириш (бартараф этиш) мақсадида, қўлланиладиган чоралар.	VICTIMOLOGICAL PROTECTION OF VICTIMS OF CORRUPTION is a measure taken by citizens, social communities and governmental and non-governmental organizations to reduce (eliminate) the vulnerability of the population prone to corruption or occupational vulnerability.
<b>КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК -</b>	ижтимоий салбий ҳодиса бўлган коррупция хатти-харакатларини содир этишга сабаб бўладиган ҳолатлар (омиллар) ёки муайян коррупциявий хатти-харакатларни содир этилиши, мавжудлиги, уларни тарқалиши учун қулай шартшароитлар яратадиган ҳуқуқбузарликлар.	CORRUPTION OFFENSES - circumstances (factors) that lead to the commission of corruption, which is a socially negative phenomenon, or offenses that create favorable conditions for the occurrence, existence and

		spread of certain corrupt practices.
<b>КОРРУПЦИЯ БИТИМИ</b>	- амалга оширишга доир бир марталик ноқонуний келишув.	CORRUPTION TREATY is a one-time illegal agreement on implementation.
<b>КОРРУПЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ (МАЪРУЗА)</b>	- ваколатли орган томонидан жамиятда коррупцияга қарши курашиш ҳолати, коррупция хуқуқбузарликлари сони, уларнинг турлари, хуқуқбузарлик оқибатида етказилган заарнинг микдори ва коррупцияга қарши кураш сиёсати натижалари тўғрисидаги маълумотлар хамда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари белгиланган ҳужжат. Ушбу ҳужжат оммавий мақомга эга бўлиб, у даврий нашрларда чоп этилиши керак.	REPORT ON THE STATE OF FIGHTING CORRUPTION AND FIGHT AGAINST IT (REPORT) - information on the state of the fight against corruption in society, the number of corruption offenses, their types, the amount of damage caused by the offense and anti-corruption policy . This document has a public status and should be published in periodicals.
<b>КОРРУПЦИЯ ВИКТИМЛИГИ -</b>	жисмоний ёки юридик шахснинг мойиллиги ёки қобилияти туфайли муайян хусусиятлар (сифатлар, фазилатлар ёки камчиликлар) таъсирида коррупция харакати (жинояти ёки хуқуқбузарлиги) нинг бевосита ёки билвосита қурбони бўлиши.	CORRUPTION VICTIMITY is the direct or indirect victim of an act of corruption (crime or offense) under the influence of certain characteristics (qualities, qualities or shortcomings) due to the inclinations or abilities of an individual or legal entity.
<b>КОРРУПЦИЯ ДАРАЖАСИ ИНДЕКСИ (CORRUPTION PERCEPTIONS INDEX, CPI) -</b>	Коррупцияга қарши Халқаро жамоат ташкилоти (Transparency International (TI) – The Global Anti-Corruption Coalition) томонидан турли мамлакатлардаги коррупция ҳолати даражасини таққослаш асосида баҳолаш учун ишлаб чиқилган интеграл кўрсаткич.	CORRUPTION PERCEPTIONS INDEX (CPI) is an integrated indicator developed by Transparency International (TI) to compare the level of corruption in different countries.

<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ</b>	- давлат ва жамоат ташкилоти мансабдор ходими, ҳокимият вакили ёки давлат номидан функциялар бажаришга ваколатли бўлган бошқа шахсларнинг ўз имконият ва мақомидан шахсий манфаатлари учун турли усууллардан ноқонуний фойдаланиб содир этилган жиноят.	THE CRIME OF CORRUPTION is a crime committed by an official of a state or public organization, a representative of the authorities or other persons authorized to perform functions on behalf of the state, using various means for personal gain.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ</b>	- коррупцияда жиноятчиликни келтириб чиқарадиган, унинг мавжудлигини, тақрорланишини ва жамиятда тақсимланишини аниқловчи ўзига хос омиллар (шартлар).	DETERMINANTS OF THE CRIME OF CORRUPTION - specific factors (conditions) that cause crime in corruption, determine its existence, recurrence and distribution in society.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ ЁКИ ТУРИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ</b>	- коррупцияга оид жиноятчиликнинг салбий оқибатлари, миқдор ва сифат кўрсаткичларини ифодалайдиган унинг сабаби, ушбу жиноятнинг (ёки унинг турини) жамиятга нисбатан таъсирчанлиги ва унга қарши курашиш чоралари криминологик тавсифи ва тушунтиришидир	CRIMINOLOGICAL DESCRIPTION OF THE CRIME OF CORRUPTION OR TYPE - Criminological description and explanation of the negative consequences of the crime of corruption, its cause, which reflects the quantitative and qualitative indicators, the impact of this crime (or its type) on society and measures to combat it
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ ТАХЛИЛИ</b>	- жамиятдаги коррупция ҳолатини баҳолаш ва билишни умумийлигини англатадиган тушунча. Таххил жараёнида тадқиқотчи коррупцияга оид жинояtlар бўйича сифатли ва аниқ	CORRUPTION CRIMINAL CRIME CRIME ANALYSIS is a concept that refers to the generality of assessing and knowing the state of corruption in a society.

	<p>мълумотлар асосида коррупция ҳолатлари, динамикаси, келиб чиқиши сабаблари, ўзгаришларини ўрганади. Таҳлиллар натижасини баҳолаш мақсадида ўрганилаётган ходиса хақида олдинги билимлар билан янги ахборотлар билан холатини таққослаш натижасида хуроса килинади.</p>	In the process of analysis, the researcher studies the cases, dynamics, causes and changes of corruption on the basis of qualitative and accurate data on corruption crimes. In order to evaluate the results of the analysis, a conclusion is drawn by comparing the state of new information with previous knowledge about the phenomenon under study.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ ШАХСИ</b>	- ижтимоий фаолият жараёнида шаклланган ва ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятлари мажмууни қонун билан тақиқланган восита ҳамда усууллардан шахсий мақсадларга эришиш учун фойдаланишни кўзлайдиган шахс.	A PERSON OF THE CRIME OF CORRUPTION is a person formed in the course of social activity and intends to use a set of socially significant features to achieve personal goals by means and methods prohibited by law.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ ШАХСИ -</b>	ижтимоий фаолият жараёнида шаклланган ва ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятлари мажмууни қонун билан тақиқланган восита ҳамда усууллардан шахсий мақсадларга эришиш учун фойдаланишни кўзлайдиган шахс.	A PERSON OF THE CRIME OF CORRUPTION is a person formed in the course of social activity and intends to use a set of socially significant features to achieve personal goals by means and methods prohibited by law.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ ШАХСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФИ</b>	- коррупция жиноятининг табиати, оғирлиги ҳамда уни амалга оширишга мукаммал тайёргарлик кўришда намоён бўладиган коррупция жинояти	SOCIAL DANGER OF THE PERSON OF THE CRIME OF CORRUPTION - one of the main features of the

	шахсининг асосий хусусиятларидан бири.	personality of the crime of corruption, which is manifested in the nature, gravity of the crime of corruption and thorough preparation for its commission.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ ҚУРБОНИ</b>	- коррупция жинояти оқибатида мулкий (моддий) ёки маънавий зарар кўрган жисмоний ёки юридик шахс.	VICTIM OF CORRUPTION CRIME - a natural or legal person who has suffered property (material) or moral damage as a result of the crime of corruption.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИ ҲАЖМИ</b>	- муайян худудда (давлат, вилоят, шаҳар) ёки муайян давлат тизимларида (вазирлик, идора ва х.к.) ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муайян давр оралиғида руйхатга олинган коррупция жиноятлари мутлақ миқдори.	SCOPE OF CORRUPTION CRIME - the absolute amount of corruption crimes registered by the competent law enforcement agencies in a certain area (state, province, city) or in certain state systems (ministries, departments, etc.) over a period of time
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШ</b>	- жамият ва давлатнинг доимий равишда коррупцияни олдини олиш ва тугатишга қаратилган мақсадли, кўп босқичли тизимли фаолияти.	THE FIGHT AGAINST THE CRIME OF CORRUPTION is a purposeful, multi-level systematic activity of society and the state aimed at preventing and eliminating corruption on a regular basis.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УМУМИЖТИМОЙ ТИЗИМИ</b>	- коррупция жиноятларини келтириб чиқаришда аҳоли ёки унинг алоҳида гурухларига иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа мезонлар бўйича таъсир қилувчи сабабларни	GENERAL SYSTEM OF PREVENTION OF CRIME OF CORRUPTION - measures aimed at eliminating cases of corruption at the state,

	аниқлашга оид давлат, давлатлараро даражадаги коррупция ҳолатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар.	interstate level to identify the causes that affect the population or its individual groups on economic, social, political and other criteria in the commission of corruption crimes.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИНИ ЯШИРИШ -</b>	коррупция жинояти ёки коррупциявий жиноятлар туркумини турли объектив ва субъектив сабаблар билан рўйхатга олишни яшириш натижасида коррупция жинояти содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортилмаслиги.	CONCEALMENT OF CRIME OF CORRUPTION - non-prosecution of persons who have committed a crime of corruption as a result of concealment of the registration of a crime of corruption or a series of corruption crimes for various objective and subjective reasons.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФИ</b>	- коррупция жиноятининг ижтимоий хавфи ижтимоий бошқарув тизимига ҳокимиятни обўйсизлантириш орқали муҳим моддий ва маънавий зарар етказиши билан характерланади.	SOCIAL RISK OF THE CRIME OF CORRUPTION - the social risk of the crime of corruption is characterized by significant material and moral damage to the system of social governance by discrediting the government.
<b>КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЛАРИ ДИНАМИКАСИ</b>	- маълум бир вақт оралиғидаги (таҳлил давридаги) коррупция жиноятлари миқдорий ўзгаришларини унинг криминологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тавсифлаш. Криминологлар томонидан ушбу кўрсаткич қўпинча	DYNAMICS OF CORRUPTION CRIMES - a description of the quantitative changes in corruption crimes over a period of time (analysis period), taking into account its criminological features. By criminologists, this

	коррупция жиноятларининг барча жиҳатларидағи (холати, таркиби) мікдорий ўзгаришларни ифодалаш ва уни тавсифлашда фойдаланилади.	indicator is often used to quantify and describe quantitative changes in all aspects (status, composition) of corruption crimes.
--	---	--

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойихаси – Т.: 2016. Ziyonet.uz Муаллифлар жамоаси.

19. Хакимов Н.Х., Садиков А.К. Стратегия развития страны. Гражданское общество (Учебное пособие) - Т.: “Иқтисодиёт”, 2020. - 252 с.

20. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти: Гоялар эволюцияси (Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари талқинида). Лотин ёзувида. – Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2018. – 96 б.

21. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. – Т.: “Турон-Замин-Зиё”. 2017. 23 б.т.
22. Ўтамуродов А. ва бошқ. Фуқаролик жамияти (Ўқув қўлланма) – Т.: “Университет”, 2018. 21 б.т.
23. Уил Кимлика Современная политическая философия. Введение. – М.: “Высшая школа экономики”, 2013. – 585 с.
24. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
25. Трудным путём демократии: Процесс государственного управления в США (Перевод с анг. А.Н.Кулик). – М.: “РОССПЭН”, 2006. – 656 с.
26. У.Бўтаев Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2017. 11.9 б.т.

#### **IV. Интернет сайтлар**

27. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.
28. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
29. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
30. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Таълим портали.